

## **ЮРИДИК ХИЗМАТ ХОДИМИНИНГ ИШ ЖОЙИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ЖИҲОЗЛАШГА ДОИР МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР**

**1-савол.** Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга доир минимал талаблар қандай қонун ҳужжатида белгилаб қўйилган?

**Жавоб.** Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга доир минимал талабларни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг адлия вазири белгилаган. Адлия вазири 2017 йилнинг 28 февралда “Юридик хизмат ходимининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга доир минимал талабларни тасдиқлаш ҳақида” 41-мх-сонли буйруқ (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 9-сон, 139-модда; ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2863) қабул қилди. Буйруқ ЎзР Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сонли «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (7-банди)га мувофиқ қабул қилинган. Буйруқ иловаси асосида “Юридик хизмат ходимининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга доир минимал талаблар” тасдиқланди. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**2-савол.** Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлар юридик хизмат ходимлари учун Минимал талабларда назарда тутилмаган бошқа шарт-шароитларни ҳам яратиши мумкинми?

**Жавоб.** Ҳа, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлар ўз маблағлари ҳисобидан юридик хизмат ходимлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича Минимал талабларда назарда тутилмаган бошқа шарт-шароитларни ҳам яратиши мумкин.

**3-савол.** Юридик хизмат ходимининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга доир минимал талаблар нималардан иборат?

**Жавоб.** Юридик хизмат учун яратилиши лозим бўлган зарур шарт-шароитларнинг минимал талаблари қуйидагилардан иборат:

	ЮРИДИК ДЕПАРТАМЕНТ ва ЮРИДИК БОШҚАРМА	ЮРИДИК БЎЛИМ	ЮРИДИК БЮРО	Битта штатдан иборат БОШ ЮРИСКОНСУЛЬТ, ЕТАКЧИ ЮРИСКОНСУЛЬТ, КАТТА ЮРИСКОНСУЛЬТ ёки ЮРИСКОНСУЛЬТ
Хизмат хонаси	2 ёки 3 та алоҳида	1 ёки 2 та алоҳида	1 та алоҳида	1 та алоҳида
Мебель жиҳозлари (стол, стуллар ва шкаф)	Ҳар бир ходим учун алоҳида			+
Сейф ёки металл шкаф	3 та	2 та	1 та	1 та
Замонавий компьютер техникаси	Ҳар бир ходим учун алоҳида			1 та
Сканер	1 та	1 та	1 та	1 та
Нусха кўчирувчи аппарат	1 та	1 та	1 та	1 та
Принтер	4 та	2 та	1 та	1 та
UPS қурилмаси	Ҳар бир компьютер учун алоҳида			+
Телефон алоқаси	+	+	+	+
Факс аппарати	1 та	1 та	1 та	1 та
Телефон аппарати	Ҳар бир ходим учун алоҳида			1 та
Интернет тармоғи	+	+	+	+
Канцелярия анжомлари	Сони ва миқдори заруриятга кўра			
Қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фонди	Ўзбекистон Республикаси кодексларининг расмий нашрлари			
	«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами» расмий нашрлари			
	Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси тизимидан узлуксиз фойдаланиш имконияти			
	Ҳуқуқий нашрлар ва бошқа юридик адабиётлар (сони ва миқдори заруриятга кўра)			

Юридик хизмат ходимининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлаш бўйича юқорида кўрсатилган зарур шарт-шароитлар яратилиши учун давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг раҳбарлари **шахсан жавобгар** бўлади.